

Катта автомобил йўлларига яқин жойлашган масжидлар учун махсус кўрсаткичлар ўрнатилмоқда



09:28 / 25.03.2019 3402

Сиз маълум бир юмуш билан шаҳар ичи ёки шаҳар четида автомобилда катта йўл бўйлаб кетиб боряпсиз. Намоз вақти кириб қолди. Намозни ана шу жойга яқин масжидда жамоат билан адо этиш имконияти энди янада осон бўлади. Сабаби Республика бўйлаб катта йўл бўйларига ўша жойга яқин масофада жойлашган масжидларнинг номини ва масофасини кўрсатувчи махсус белгилар [ўрнатилмоқда](#).

Бу юртдошларимиз ҳамда бугунги кунда кенг ривожлантирилаётган зиёрат туризми асносида мамлакатимизга ташриф буюрувчи хорижий меҳмонларга ўзига хос қулайлик яратади.

Республика бўйлаб жами 210 та (Тошкент шаҳрида 31 та) ана шундай масжидлар учун катта йўл бўйида белгилар ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 117 та махсус белгилар ўрнатилиб бўлинди. Март ойининг охирига қадар қолган масжидлар учун ҳам ўрнатилиши белгиланган.

Махсус белгиларнинг аксарияти ўзбек, инглиз ва араб тилларида, фосфор ёзувда тайёрланганлиги эътиборга моликдир.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти